

Гулсара ИБОДУЛЛОҲ

Овсин пахта отади



ГУЛСАРА ИБОДУЛЛОҲ

ОВСИН ПАХТА ОТАДИ

Тошкент
«Истиқдол нури»
2013

- 1 -

УЎК: 821.512.133

84(5Ў)7

И 12

Ибодуллоҳ, Гулсара

Овсин пахта отади / Г. Ибодуллоҳ. — Тошкент. «Истиқлол нури»,
2013. — 116 б.

КБК: 84(5Ў)7

Бу китобда, Гулсара Ибодуллоҳнинг бошидан кечирган воқеа-ҳодисалари, руҳий кечинмалари жамланган. Ушбу ҳаётий ҳикояларда адолат, иффат, ор-номус, ҳалоллик ва виждонлилик қаламга олинган. Муаллифнинг турмушининг турли хил қийинчиликлари ва синовларидан чиқарган хулосалари сиз мухлисларга манзур бўлади деган умидгамиз.

ISBN 978-9943-4177-4-8

© Г. Ибодуллоҳ,
© «Истиқлол нури»,
2013

*Ҳурмат ва эҳтиром билан ушбу
китобимни қайнотам ва қайнонамларнинг
ёрқин хотираларига бағишладим.*

РУҲИЙ КЕЧИНМАЛАР



Камтарга камол...

*Камбағаллик инсоннинг қадрини шунчалик ерга
урадики, у ҳатто ўз фазилатларидан ҳам хижолат
тортадиган бўлиб қолади.*

Вовенарг

Овқатдан кейинги дуои фотиҳада ҳамиша момоси бир сўзни айтишни қанда қилмасди:

— Ўт балосидан, сув балосидан, туҳмат балосидан ўзинг сақла.

"Ўт билан сув балоси тушунарли, туҳмат балоси нима экан?" ҳайрон бўларди у. Вақт ўтиб, буни ҳам тушунди.

Аммаси билан тенгқур эди. Бирга туриб, бирга ухлашарди. Хонанинг бор бисоти биттагина жавон бўлиб, унга бешта қизнинг кийимлари ур-йиқит қилиб тахланар, бошқа майда-чуйдалар: ўқув анжомлари, китоб-дафтарлар ўша пайтнинг урф бўлган буюм сақлагичи — чамадонга жойланарди.

Бир куни хонасига кириб, онаси билан аммасининг чамадонини синчиклаб титкилашаётганининг устидан чиқди.

— Мухлиса, аммангнинг бир сўмлик тангаси қани?

Кутилмаган сўровдан ҳайратланган қиз уни кўрмаганини айтди. Бироқ, унга ишонмаган тафтишчилар мактаб сумкасигача кўздан кечирдилар. Кейин... бир сўмнинг изи бошқа жойдан чиқди.

Уззу кун китобдан бошини кўтармай, хаёлан китоб қаҳрамонлари билан яшаётган қалбга бу сўров ва тафтиш малол келди. Араз бир неча кунлик очликка сабаб бўлди...

* * *

Уйда ифторлик. Дастурхонни безайдиган ноз-неъматлар идишларга солиниб, олдиндан тайёрлаб қўйилди. Сўнг кичик хонадан меҳмонхонага олиб ўтилди. Тақсимчаларни ташиётган қўшни бола (у пайтларда кимникида йиғин бўлса, қўшнилари бутун оиласи билан хизматга шай турарди) ҳазиллашиб, қизга пичоқ ўқталди:

— Қорнингга суқиб олайми?

Хонага кирган онасининг кутилмаган бу ҳаракатга кўзи тушиб:

— Бу нима ҳазил? Ростдан тегиб кетса нима бўлади? Пичоқ билан ҳазиллашиб бўладими? — деди тутақиб. Сўнг кутилмаганда қизига деди:

— Йигитлар билан ўйнашадиган бўлдингми? Сени бир отангга айтиб бермасам.

Мактабга бир кўчадан бориб-келса ҳам, андишанинг кучидан, ҳатто биронта ўғил бола билан салом-алик қилмайдиган қизга берилган бу дашном яна бир очлик азоби-га туртки бўлди. Наилож, у — она. Ўзимни оқлайман деб, айтишиб, онанинг дилини хира қилгандан кўра жим турган афзал.

Инсоннинг кўнгли нозик. Кўнгил ишида ёшга нисбат бериб, бефарқ қараш ярамайди. Бу — бола, у — тенгқур авави — дўст, аммо бари кўнгил соҳиби.

Жигарларинг сенга ёмонликни раво кўришмайди, албатта. Келажакни ўйлаб қаттиқроқ гапиришганда ранжиган бўлсанг ҳам, вақт ўтиб, уларнинг асл ниятларини англаб, дил хиралиги эсингдан чиқади. Унутиш деган туйғунинг борлигига шукр!

* * *

Ишхонадаги бўлимга қарашли учта хонанинг биринчисида учта кекса аёл ўтиради. Бу ерга фақат мажлис бўлганида ёки шу хонадаги ходимлардан биронтасига иши тушгандагина кирарди у. Бир куни шу ерга қадам қўяётганида таниқли олиманинг:

— Шу қиз келдию, "посуда"ларимиз йўқола бошлади, — деган гапини эшитиб қолди.

— Ким ҳақида гапиряпсиз? Идиш-товоғингизнинг қаерда туришини ҳам билмайман-ку?

— Сизни эмас, Наирани айтяпман, — деди деворнинг қулоғидан довдираб қолган аёл.

— Куни кеча ишга келган Наира хоналарни яхши билмайди-ю, сизнинг идишларингизни оладими?

Борган жойидаги дастурхон емакларини сумкасига солишга одатланган бу аёл билан тортишиш бефойда, гарчи унинг "устоз" деган шарафи бўлса-да. Шуларни ўйлаб Бадриддин Ҳилолийнинг ўғитларига ён берди: "Кўп вақиллаган донодан кўра; Жим ўтирган нодон яхшироқ жўра".

* * *

Муаллиманинг мақолалари газеталарда тез-тез кўрина бошлади. Қалам ҳақининг ваколат қоғози ишхонага келарди. Бир куни ҳамкасб аёл деди:

— Жуда шумсиз-а, қайнонам билмасин деб, пулингизни мактабдан оласиз!..

Унинг гапидан ҳайратланган муаллима газетадан оладиганини яшириш тугул, қайтанга фахрланиб айтишини гапирганида ҳамкасби ишонмади. Қайнларига ҳар хил тилла тақинчоқларни, онам олиб берди, деб кўрсатувчи аёлнинг бу гапларга ишонмаслиги табиий. Бундайлар эзгуликдан гап очсангиз устингиздан кулади. Кулаверсин. Бир одамни кулдириб, унинг саломатлигига қўшган ҳиссанг ҳам савоб бўлади.

* * *

Иқтисодий танглик туфайли эрталабкидан ташқари, тушдан сўнг 3-синфларга ҳам дарс берарди у. Ўзига нота-ниш бўлган арифметика фанидан қийналар, бошқа 3-синфнинг ўқитувчисидан ёрдам сўрарди.

Шеригининг мазаси бўлмади, синфидаги болалар қаров-сиз қолди. Ўзига ёрдам бераётган ҳамкасбининг йўқлиги-ни билдиргиси келмай, синфи билан қўшиб, дарсларни бирга ўтаверди. Уч кундан сўнг шериги ишга чиқди.

Ойнинг охирида илмий мудир ундай сўради:

— Зиёда опанинг ўрнига неча кун ишлаб бердингиз?

Қўлида маош ёзилган қоғоз билан турган Опага шунча-ки ёрдам берганини, ҳамкасбининг ҳақиға тегмасликни тайинлади у.

Сал ўтмай фабрикада ишлайдиган синглиси унга теле-фон қилди:

— Ўтган йилги режани икки баравар қилиб бажарганим учун Сочига йўлланма беришмоқчи. Сиз менинг ўрнимга боринг. Фақат, тезроқ ҳаракат қилинг, кетиш муддати оз қолди, — деди синглиси уни шошириб.

Бу таклифдан боши осмонга етган муаллима дарсдан сўнг директорнинг уйига бориб, хабарни етказди.

— Ўйланиб кўраман. Дарсларингизни ким ўтади?

— Келгунимча Зиёда опа амаллаб турар...

Жавоб қисқа бўлди:

— Эртага "педсовет"да гаплашамиз!

Мажлисида опа ажойиб гапларни айтиб қолди:

— Опанинг дарсини ўтиб, пулини олмаганига ҳайрон бўлган эдим-а. Қаранг-а, одамларнинг маккорлигини?! Бир ой олдин тайёргарликни бошлаворибди-я!.. Дарс пайтида ким қўйибди ўқитувчига Сочига боришни?!.

Бир марта боришни орзулаган сиҳатгоҳдан кўра, қуюш-қондан ташқари туҳмат унинг нафсониятини букиб қўйди.

— Йўлланмани директорнинг қўлига тутқазишингиз керак эди! Мактаб директори турганда, оддий ўқитувчига ким қўйибди Сочиди дам олишни?

Дили куйганлар кўп экан. Ҳамдардларнинг кучи кесатиққагина етди.

Алқисса, ҳар йили бир марта ўша гўзал гўшада дам олиб келадиган опага йўлланмани бериб қўя қолгани яхшийди, зоега чиққанидан кўра... Ёшлик қилган-да...

Муаллима

*Арзон тош синдирса зар косани гар,
Тош нархи ошмайди, пастга тушмас зар.*

Абдураҳмон Жомий

Дипломни қўлига олиб, уйдан анча олис шаҳар чеккасидаги мактабга келганига бир пасда ўн йил тўлибди-я...

Икки автобус алмашиб биринчи дарсга етиб боради. Қийналганидан илмий мудирга илтимос қилади: — Ҳеч бўлмаса иккинчи соатдан дарс қўйинг, етиб келишга қийналяпман.

— Мана ўзинг ўқи, адабиёт фани физика-риёзиёт қаторида саналади. Уни кейинги соатларга қўйиш мумкин эмас! — Илмий мудир Назиранинг олдига рус тилидаги мўъжаз қўлланмани ташлади.

Мудирнинг Тошкентда ўқийдиган қизи бир имтиҳондан қарз бўлиб, домласига ҳинд чойи сўраган. Тополмагач, Назирадан илтимос қилган эди, у сотувчи қайноғасидан икки кило келтириб берди. "Чой"дан сўнг мудир бироз юмшади. Чорасиз ишнинг чораси топилди — сешанба ва шанбадаги дарсларини учинчи соатга ўтказиб берди. Ҳарна-да, икки кун ўзи ҳам бироз уйқуга тўйиб олади. Мункиллаб қолган қайнонаси сигир соғишдан қутилади.

Эрталаб болаларини уйғотолмай ҳалак бўлаётганида: — Яқин атрофдаги биронта мактабни гаплашиб берайми? — деди эри.

Ўшанда, янги жамоага қачон киришиб кетаман дея ўйлади у. Эндигина директорнинг ҳам, илмий мудирнинг ҳам кўнглини олдим деганда-я... Кейинги пайтларда асосий эътибор рус тилига қаратилиб, ўзбек тилидан дарслар ка-

майиб кетгани учун, унга амаллаб бошланғич синф, узайтирилган гуруҳлардан ҳам дарс тўғрилаб беришган.

Адабиёт, ўзбек тили фанидан дарс етишмайди, деган гап билан икки йилгача узайтирилган гуруҳда тарбиячилик қилиб юрди. Икки сменалаб ўқитаётган Саодат опадан ҳеч бўлмаса бир синфнинг дарсини олиб беринглар, деганида, мудир тўнғиллаб берди:

— У ўттиз йилдан бери шу ерда ишлайди. Мактабга меҳнати сингган. Нафақаси кўпроқ чиқсин, деб соатини ошириб қўйдик. Бирга ишлагандан кейин бир-бировни қўллаш керак-да. Икки йилдан кейин ҳаммаси ўзингга қолади. Ҳали дарсдан безор бўласан ҳам.

Назиранинг кўп нарсаларга ақли етмайди, яқинларидан бири шипшитиб қўймаганида, ҳалиям юрармиди пешини босиб. Дугонаси ўргатганидай қилиб, бир ойлик маошига имзо чекди-ю, пулини олмади. Анча пишиб қолган хўжалик мудир: "Нимага бундай қияпсиз?" деб сўрамади ҳам. Имонинг ўзиёқ кифоя қилди унга.

Бир куни синфидаги ўқувчиларни ошхонага етаклаб кетаётган эди, орқасидан илмий мудир чақириб қолди:

— Бу ёққа қарагин, — унинг билегидан ушлаб четга тортган ҳамкасб шивирлаб деди: — Сенга этикани берамиз. Бу фанни биолог ўтса ҳам, адабиётчи ўтса ҳам бўлаверади. Дарс жадвалини кўриб олгин-да, ўзинг ўтавер.

Йилнинг охиригача "эгаси умумий" фандан дарс берган Назирага кейинги йилнинг бошиданоқ ўз ихтисослиги бўйича дарс берилди. Хурсандчилик саналаридаги чап қўл билан узатилган майда-чуйдаларни ҳисобламаганда бир ойлик қанча ойликларни етаклаб келди.

Сендан угина, мендан бугина — топиб айтилган гап бу.

Ойлик ҳақидаги гапни эрига айтмади. Билса, нақ балага қолади-я...

Мактабнинг яхши томони директордан тортиб то ошпазгача — ҳаммаси аёллар. Биргина хўжалик ишлари мудир Иштиёр — қоровул Иброҳим отани истисно қилганда — эркаклардан ягона вакил.

Биологиячи Ихтиёрнинг кўпинча дарс ўтишга вақти бўлмайди. Директорнинг у ер-бу ерга қатнови кўп. У ҳам гўё шофёрлик учун ишлаётгандек дарров машинасини ҳайдаб чиқади. Дарсига котибамми, лаборантми киритилади. Ихтиёр муаллимга дарсдан кўра кўпроқ машинасини тириллатиб юриш хуш ёқади. Дарс бериш билан косаси оқармаслигини билади-да. Теварагида нима сабабдан ўзидекларнинг йўқлигини у ҳам танига бир ўйлайди, ахир. Эркакнинг танқислиги мактабнинг кичкиналигидан эмас. Катта мактабларда ҳам, кўп бўлса, учта-тўртгаси судралиб юради. Улар ё физкултурачи ёки "ҳарбий"чи. Яна бир томони бор: улар камида иккита мактабнинг нонини еб юради.

Пахта даврида керак бўлади, деб кетаманга тушиб қолган ягона эркакни ушлаб қолиш учун ёшулли (бошлиқ)ми уни хўжалик мудури қилиб қўйган эди, бошқа бу ҳақда гап бўлмади. Директор темирни иссиғида босди.

Аёл барибир аёл-да. Сал нарсага кўнгли юмшайди. Айниқса, кўп туғиб, бола, уй жабрини бошқалардан ортиқроқ тортган аёлларнинг феъли кенгроқ бўлади. Кичкинаси бўй тортиб, рўзгор ишларидан қўли бўшаган Дармонжон опа раҳбарнинг айтганига йўқ демасдан, бошланғич синфларга мудир бўлди. Кўнгли бўш, бошингга ташвиш тушса, ёрдамини аямайди. Ўрнига бошқа ўқитувчи топмаса ўзи кириб кетаверади. Назира шунга орқа тортади.

Катталарнинг мудирини ёмон деб бўлмайди: чаққон, ишига пухта. Бир замон тинч турганини кўрмайсиз. Бир қўлида ўчирғич, бир қўлида қалам ушлаб, дарс жадвали олдида ўтиргани ўтирган:

— Безор бўлдим, бу — "мамашка"лардан. Ё унинг бола-си касал, ё бунисининг. Жадвал тузатишдан бошқа ишим йўқми менинг, — тўнғиллаб қўяди у баъзан.

Унинг нолиганича бор. Ҳар ҳафта уч-тўртта она "касаллик варақаси"га чиқади. Шу сабабдан раҳбарлар ёш болалик, ҳомиладор келинларни ишга олгиси келмайди.

Мария опанинг биттагина қизи бор, биринчи эридан. Эри ичади. Ароқхўр эрдан бошқа бола туғгиси келмадими, бошқа туғмади.



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi
<https://kitobxon.com/oz/asar/1379> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси
<https://kitobxon.com/uz/asar/1379> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию можно
найти на сайте <https://kitobxon.com/ru/asar/1379>